
„Марказий Фарғона" меҳмонлари УСТОЗ ШОГИРДЛАР ҲУЗУРИДА

2022 йил том маънода “Марказий Фарғона” газетаси йили бўлди, дейишга ҳақлимиз. Довруғи бутун мамлакатга таралган таҳририятга келувчи нуфузли меҳмонлар ҳайратини айтмайсизми?

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Абдусайд Кўчимов Ўзбекистондаги энг шогирдлари кўп устоз журналистлардан саналади. Устоз бир пайтлар “Ленин учқуни”(ҳозирги „Тонг юлдузи“) газетасида бирга ишлаган шогирди, Ёзёвон туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари ва ҳокимлик газетаси муҳаррири Азимжон Худойқулов бош бўлган жамоага ташриф буюрди.

Устоз ҳақида: Абдусайд Кўчимов 1951 йил 15 майда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти(ҳозирги университет)ни тамомлаган. Устоз республикадаги иккита фахрий унвон соҳиби бўлган ягона инсон. У „Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист“, „Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи“ унвонлари соҳиби. Меҳнат фаолияти давомида болалар ва ўсмирлар газетасида масъул котиб, бош муҳаррир, „Шарқ юлдузи“ журналида масъул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудирини, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси, „Тошкент“ телерадиоканали бош директори, „Хабар“ газетаси бош муҳаррири лавозимларида хизмат қилган. 2017 йилдан буён Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори лавозимида ишлаб келмоқда. Ёзувчининг йигирмага яқин шеърини ва насрий китоблари чоп этилган. „Меҳнат шухрати“ ордени, „Шухрат“ медали билан тақдирланган.

Меҳмонни газета таҳририятида фахрий ижодкорлар Муҳаммадрасул Кимсанбоев, Малик Бойматов, Алишер Тошқулов, журналистлар қадрдони Тошқовуз МФЙ раиси Исмоналихон Мўсаев таҳририят ходимлари билан бирга кутиб олдилар. Абдусайд Кўчимов барча билан қадрдонларча кўришиб, водийча гурунгни бошлаб юборди. Бош муҳаррир хонасида меҳмоннинг ўзи дуога қўл очиб, ижодкорларга шундай шароитларни яратиб берган туман ҳокимини, Ёзёвон равнақиға ҳисса қўшаётган меҳнаткаш халқини, барча яхши ишлар бошида турган юрт раҳбарини дуо қилди.

Қисқа, лекин ажойиб суҳбатлар, эсдалик учун суратга тушишлардан сўнг Алишер Тошқулов меҳмонга “Тошқовуз ва тошқовузликлар” номли китобини, Исмоналихон Мўсаев ўз боғида етиштирган сара узумлардан ва Тошқовуз бренди- гулқандни совға қилди.

Устоз журналист водийликларга хос меҳмоннавозликдан хурсанд эканини, агар вақти тиғиз бўлмаганида ёзёвонликлар билан гурунгни давом эттириш орзуси билан қайтаётганини изҳор қилди ва „Марказий Фарғона“ газетаси таҳририяти кутубхонасига тўрт томлик сайланмасини совға қилди.

Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими раҳбари Масъуджон Сулаймонов, ЎзАнинг водий бўйича сураткаш муҳбири Муқумжон Қодиров меҳмонга ҳамроҳлик қилдилар.

Ажойиб инсон, кўплаб журналистлар устози, етук шоир, серқирра ёзувчи, истеъдодли раҳбар Абдусайд Кўчимовнинг таҳририятга ташрифи Ёзёвон тарихиға муҳрланди.

“Марказий Фарғона” мухбирлари.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-10-05 16:10:53